



UZBEKISTAN'S PRACTICE AND FOREIGN EXPERIENCE IN EFFECTIVE ORGANIZATION OF SOCIAL COOPERATION BETWEEN THE STATE AND SOCIETY

Azizkhon Akhmedov

Researcher

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: az_uzbek@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Legal basis, communication, social cooperation, decentralization, local authority, programs, social, economic, efficiency, openness, relations, mechanisms.

Received: 14.04.25

Accepted: 16.04.25

Published: 18.04.25

Abstract: This article analyzes the experience of Japan and the practice of Uzbekistan in effectively organizing social cooperation between the state and society. Any state, striving for higher levels of development, first of all, aims to improve the activities of government bodies and society and ensure their effective dialogue. It is among these institutions that the modernization of the local government system, bringing dialogue with the people to a new level is a requirement of the times. Improving the activities of executive bodies, bringing them to the current level of requirements is an urgent internal social policy that is being systematically implemented not only by developing countries, but also by developed countries. Despite the achievements achieved in the activities of state authorities in the history of the development of Uzbekistan and Japan, further improvement of their activities, increasing work efficiency and continuous modernization based on the requirements of today are on the permanent agenda.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИ ВА ҲОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Азизхон Аҳмедов

тадқиқотчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ҳукукий асос, мулоқот, ижтимоий ҳамкорлик, номарказлаштириш, маҳаллий орган, дастурлар, ижтимоий, иқтисодий, самарадорлик, очиқлик, алоқалар, механизмлар.

Аннотация: Ушбу мақолада, давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигини самарали ташкил этишда Япония тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти таҳлил қилинган. Ҳар қандай давлат ривожланишнинг юқори босқичларига интилар экан, авваломбор, ҳокимият органлари ҳамда жамият ўртасидаги фаолиятни такомиллаштириб, уларнинг самарали мулоқотини таъминлашни мақсад қилади. Айнан мазкур институтлар қаторида маҳаллий ҳокимият тизимини модернизациялаш, халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқиш давр талабидир. Ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, бугунги кун талаб даражаларига етказиш нафақат ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, ривожланган давлатларнинг ҳам мунтазам равишда амалга ошираётган долзарб ички ижтимоий сиёсатидир. Ўзбекистон ва Япония давлатлари ривожланиш тарихида давлат ҳокимияти органлари фаолиятида эришган ютуқларга қарамасдан, бугунги замон талабларидан келиб чиқиб ўз фаолиятларини янада такомиллаштириш, иш самарадорлигини ошириш ва узлуксиз модернизациялаш доимий кун тартибида турибди.

**ПРАКТИКА УЗБЕКИСТАНА И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ЭФФЕКТИВНОЙ
ОРГАНИЗАЦИИ СОЦИАЛЬНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ГОСУДАРСТВА И
ОБЩЕСТВА**

Азизхан Ахмедов

Научный сотрудник

Национального университета Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: az_uzbek@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Правовая основа, коммуникация, социальное сотрудничество, децентрализация, местная власть, программы, социальные, экономические, эффективность, открытость, отношения, механизмы.

Аннотация: В статье анализируется опыт Японии и практика Узбекистана по эффективной организации социального взаимодействия государства и общества. Поскольку любое государство стремится к более высоким уровням развития, оно ставит перед собой, прежде всего, задачу улучшения функционирования органов власти и общества, обеспечения их эффективного диалога. Именно этим

институтам необходимо модернизировать систему местного самоуправления и вывести диалог с населением на новый уровень. Совершенствование деятельности органов исполнительной власти, приведение ее в соответствие с современными стандартами является актуальной внутренней социальной политикой, которая планомерно реализуется не только развивающимися, но и развитыми странами. Несмотря на достижения органов государственной власти в истории развития Узбекистана и Японии, дальнейшее совершенствование их деятельности, повышение эффективности, постоянная модернизация на основе современных требований остаются в повестке дня.

КИРИШ. Ҳар қандай мамлакатнинг бошқарув тизимида давлат бошқарув институтлари муҳим ўрин тутди. Бу институт ҳокимиятнинг халққа энг яқин бўғинларидан бири бўлиб, улар бевосита юқори органлар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижросини таъминлайди. Шунинг учун ҳам жамоатчилик билан маҳаллий ҳокимият тизими ҳамкорлигини маваффақиятли ташкил қилиниши ҳудуд иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига замин яратди.

Маҳаллий ҳокимиятлар фундаментал сиёсий кадрлар ва эркинликларни, сиёсий тенглик ҳамда инсоннинг кундалик эҳтиёжларини қондиришда муҳим, балки жуда муҳим институтдир [1]. Жамият ва давлат бошқарувини ўрганиш нафақат фалсафа, сиёсатшунослик, балки, ҳуқуқ, иқтисод, тарих ва бошқа гуманитар фанлар фанларнинг ҳам муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу йўналишда антик даврдан то бугунга қадар кўплаб олимлар ўз излагишларини олиб боришган ва ҳозирда ҳам тадқиқотлар давом этмоқда. Ҳокимият назариясини ўрганиш ва давлат органларининг самарали фаолиятига акс таъсир қилувчи вазиятлар ҳамда жамият бошқарувидаги кўплаб жумбоқ ва очилмаган қирраларни кашф қилишда муҳим вазифа ҳисобланади.

Ушбу мақолада, айнан ижро органлари ва жамият ўртасидаги муносабатлар тизими таҳлил қилиниб, Япониянинг бу борадаги тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистон шароитига мос бўлган, илмий асосланган кейинги босқич ислохотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишга кўмаклашади. Мазкур илмий изланиш соҳасида Япониянинг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятларини тадқиқ қилган ва қилаётган Я.Юзо, М.Мичио, С.Ричард, А.Амакава, М.Кузихиро, И.Шожи, Т.Макдугалларнинг

ишлари ўрганилди. Ўзбекистондаги маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятлари бўйча илмий изланишлар олиб борган файласуф, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлардан А.Саидов, Ф.Жўракулов, Р.Жўраев, О.Хусанов, О.Қориев, А.Раҳманов, Р.Жумаев, Т.Жўраев, Н.Жўраев, А.Холбеков, Я.Олламов, Ш.Жалилов, Г.Маликова, Х.Рузметов, А.Юлдашев, Ш.Асадов, Й.Жумаевларнинг тадқиқот ишлари ҳам чуқур ўрганилди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигини қайта кўриб чиқиш, уларнинг самарадорлиги ва масъулиятини ошириш, нафақат ривожланаётган давлатларнинг, балки Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Япония, Хитой ва Сингапур каби ривожланган давлатларнинг ҳам кун тартибида турган долзарб масаладир. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ давлат ҳокимияти тузилмаси ва уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартирилди, ҳокимлик институти жорий қилинди. Бу институт аҳолининг онги, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари кескин ўзгараётган бир жараёнда ўзининг ижобий натижаларини берди. Хусусан, Республикамиз ривожланишининг янги босқичида ҳам кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Фуқароларда ҳам ҳуқуқий онг анча ривож топди. Давлат хизматлари кўрсатилиши такомиллаштирилди. Бу эса ўз навбатида, давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигини янада самарали ташкил қилишни тақазо этмоқда.

Япониянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ижро органларининг фуқаролар билан ўзаро мулоқотни тўғри йўлга қўйишдан бошланган [2]. Давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигининг юксак даражада тараққий этиши Японияни ўзига хос ривожланишига ҳам асос бўлди. Бугун бу тенденция кўплаб тадқиқ қилувчи олимлар томонидан қўллаб қувватланмоқда. Бошқача айтганда, Япониянинг ривожланишида ижро ҳокимияти асосий рўлни ўйнаган бўлса, уланинг самарали ва ҳисобдор бўлишига ундаган муҳим жиҳат жамоатчилик кенгашлари ва илмий интеллектуал қатламдир. Бугунги кунда Япония маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти Япония конституциясида кафолатланиб, “Маҳаллий афтономия тўғрисида”, “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади.

Ҳозирда Япониянинг амалдаги кўплаб давлат дастурлари дастлаб маҳаллий ҳокимият ва кенг жамоатчилик томонидан ишлаб чиқилиб, мазкур ҳудудда амалга оширилади, кейинчалик эса мамлакат миқёсида жорий қилинади. Масалан, “Қариялар билан ишлаш”, “Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш”, “Ёш болали оилаларга нафақа тайинлаш”, “Атроф - муҳит тозаллиги”, “Чикиндиларни қайта ишлаш”, “Кам таъминланган оилаларни уй-жой билан таъминлаш” ва бошқа дастурларни айтиш мумкин.

Лекин, бугун Ўзбекистонда жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳаларни ишлаб чиқишдаги ташаббускорлиги паст

даражада, шу билан бир қаторда жамоатчилик ва илмий доираларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш даражаси ҳаминқадар. Фикримизча, узоқ йиллик марказлашган авторитар тизим натижасида вертикалнинг энг юқори нуқтасига кучли боғланиб қолинган. Тасдиқланаётган дастурларни маҳаллий кенгашлар ҳамда кенг жамоатчиликдан feedback олиб тасдиқлаш имконияти мавжуд бўла туриб, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланмоқда. Ваҳолангки, ҳар бир ҳоким ўз ҳудудининг салоҳияти ва даражасини марказга қараганда анча яхши билади. Бундан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида номарказлаштириш, яъни марказий ҳокимиятнинг баъзи ваколатларини маҳаллий ҳокимиятларга ўтказиш ва шу орқали жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, ундан кейинги босқичда территориал раҳбарларни телеведения орқали ҳисобот бериш тартибини ташкил этиш бошқарувнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади, ва бу давлат ва жамият ижтимоий ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқади.

Халқаро амалиётда ҳокимиятнинг тақсимланиши ва бир бутун сиёсий- ҳукукий таълимот сифатида шаклланиши XVII-XVIII асрдаги буржуа инқилобларига бориб тақалади. Давлат органлари фаолиятининг (ваколатларининг) чегараланиши, тақсимланиши, бир-бирини тийиб туриш механизмлар назарияси (Ж.Лок, Ж.Руссо, Ш.Монтескье) классик шаклда кўрсатиб берилаган[6].

Кўплаб файласуф, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган фикрларда, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи АҚШ Конституциясида ўзининг энг аниқ ифодасини топган деб ҳисобланади. Япония давлат ҳокимиятининг тақсимланишида ҳам бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Америкалик мутахассисларнинг ўзлари эътироф этганидек, ҳокимиятлар тақсимланишининг моҳияти Массачусетс штатининг Конституциясида янада мукамалроқ ўз аксини топган. Унда масалан, шундай дейилган: “Жамиятда инсонлар эмас, балки қонунлар ҳукмрон бўлиши учун уни бошқаришда:

- Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳеч қандай шароитда ижро этувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;
- Ижроия органлар ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятини (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим;
- Суд органлари ҳеч қандай шароитда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни (ёки улардан бирини) амалга оширмаслиги лозим”[7].

Ҳокимиятлар тақсимланиши дунёнинг ҳеч бир мамлакатада бундай радикал кўринишда амалга оширилган эмас. Буни уқувсизлик ёки истамаслик деб ҳам баҳолай олмаймиз, балки жамиятнинг реал турмушини назарий (мавҳум мафкуравий) қолипга солиб бўлмаслиги натижасилир. Лекин шунга қарамай парламент демократияси ривож топган

давлатларда ҳар бир ҳокимиятнинг ваколат доираси нисбатан мукамал белгиланган бўлиб, унга бошқаси “бостириб” киролмайди. Фақат “бир-бирига алоқадор” масалалардагина, шунда ҳам қонун билан белгиланган ҳолларда, турли ҳокимиятларнинг ваколатлари ўзаро уйғунлашиб кетиши мумкин. Аммо ўз ваколатлари доирасида ҳар бир ҳокимият мустақил, ўзаро тенг ва фақат қонунга итоат этади.

Давлат жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда давлат хизматларини аҳолига етказиш борасида бир қанча ваколатларни маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига юклайди. Маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари ҳар бир давлатда турли даражада бўлади. Сўнги вақтлардаги ислохотлар натижасида, жаҳоннинг кўплаб давлатларида марказий ҳокимият ваколатларининг баъзиларини маҳаллий ҳокимиятларга ўтказилмоқда. Шу ўринда, бугун бешинчи норасмий ҳокимият яъни, жамоатчилик фикри ҳокимияти кўплаб ривожланган минтақаларда фаолиятини самарали олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан маҳаллий ҳокимиятларнинг қуйидаги ваколатлари мавжуд: 1) қонунийликни, ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; 2) ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; 3) маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил қилиш; 4) маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; 5) атроф муҳитни муҳофаза қилиш; 6) фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш[8]. Аслида юқорида келтирилган ваколатларни самарали ижросини амалга оширишда жамият билан ижтимоий ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш энг муҳим жараён ҳисобланади.

Маҳаллий ҳокимиятларининг вазифалари “келишилган”, “юклатилган” ва “мустақил” турларга ажратган ҳолда ташкил қилинади. Бу жараён Япония маҳаллий бошқарув органлида анча фарқли жиҳатларга эга. Хусусан, 2001 йил март ойига қадар “асосий” ва “юклатилган” вазифаларга бўлинган [9] бўлиб, муниципалитетларнинг 30-40 фоиз вазифалари префектураларнинг эса 70-80 фоиз вазифалари айнан “юклатилган” вазифаларга тўғри келган[10]. 2001 йилда амалга оширилган номарказлаштириш сиёсати натижасида, Япония маҳаллий ҳокимиятларининг вазифалари таркибидаги “асосий” ва “юклатилган” вазифалар тизими йўқ қилиниб, ўрнига “автоном” ва “ҳуқуқий келишилган” вазифалар тизими жорий қилинди. Ва бу келишувлар асосан кенг жамоатчиликнинг фикр мулоҳазалари асосида, соҳалар бўйича экспертлар таҳлилари орқали шакллантирилди.

Япония маҳаллий ҳокимиятининг автоном вазифаларига бевосита “Маҳаллий автономия тўғрисида”ги қонундан келиб чиққан ҳолда, мустақил тарзда амалга ошириладиган вазифалар киради, бу вазифаларни амалга оширишда юқори турувчи

ҳокимиятлар аралашуви минимал даражада бўлади. “Ҳукукий келишилган” вазифалари – асосан, миллий сиёсатнинг асосий йўналишларини мамлакат бўйлаб бир хиллигини таъминлаш мақсадида марказий ҳокимият ваколатига кирадиган баъзи вазифаларнинг маҳаллий ҳокимиятларга юклатилишидир. Япония маҳаллий бюджетини шаклланиши манбалари бироз мураккаб бўлиб, улар маҳаллий солиқлар, марказий ҳокимият томонидан ажратиладиган маблағлар (махсус грантлар, миллий ғазнадан ажратиладиган маблағлар, марказий ҳокимият солиқларининг бир қисmini солиқларининг бир қисmini маҳаллий ҳокимиятларга ўтказишдан тушган маблағлар), маҳаллий ҳокимиятга қарашли корхоналардан тушган даромадлар ва маҳаллий ҳокимият томонидан олинадиган қарзлар (бунга асосан облигациялар киради)[11]. Солиқлардан тушадиган умумий даромаднинг 60 фоизи марказий ҳокимият бюджетига кетса, қолган 40 фоизи маҳаллий бюджетга қолади. Лекин мамлакат бюджети умумий сарф-ҳаражатларининг 60 фоизи маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади, 40 фоизи марказий ҳокимият томонидан сарфланади[12].

Япония давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият олиб боришидаги яна бир аҳамиятли жиҳат шундаки “округ бошқарув бирликлари” (*куякушийо*) шаҳар аҳолиси сонидан келиб чиқиб белгиланади.

ХУЛОСА. Ҳар қандай давлат, ташкилот ва муассаса тараққиётнинг энг юқори чўққисига эришишга интилиб, доимий равишда бошқарув самарадорлигини ошириш борасида фаолият олиб боради. Шунингдек, давлатлар ўз ички ва ташқи омилларидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини ташкил қилади. Ички омиллар аҳолининг тарихий анъаналари, маданияти, дунёқараши, уларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини киритадиган бўлсак, ташқи омилга мамлакатнинг географик жойлашуви, қўшни ва ҳудудий яқин мамлакатлар билан алоқалари ҳамда ҳудудий ва ҳалқаро шартномаларда иштирокини киритиш мумкин.

Япония давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш тажрибасидаги ютуқларга эътибор берсак, унда қўйидагиларни кўриш мумкин; а) кадрлар сиёсати; б) давлат ҳокимияти органларининг доимий асосда ишлаши(24/7); с) жамият ижтимоий ҳамкорлиги асосида маҳаллий ҳокимиятлар мустақил равишда қўшимча органлар тузиш ваколатига эгаллиги; д) мустақил равишда сарфлай оладиган пул маблағларига эгаллиги; е) маҳаллий ҳокимият органлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг қулайлиги ва самаралилиги.

Япония маданияти ва халқининг урф-одатлари Ўзбекистон халқига яқинлиги, ривожланган ғарб мамлакатларининг давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишдаги моделларини ўз шароитига мослаганлигини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Маҳаллий вакиллик органларининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг ҳудуд бошқарувидаги рўлини янада кучайтиришда краудсорсинг механизмларини қўллаш;

- Маҳаллий ҳокимиятда кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш. Бу борада профессионал маҳаллий давлат хизматчилар корпусини шакллантиришга қаратилган “Маҳаллий давлат хизматчилари тўғрисида” норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

- Маҳаллий ҳокимиятларда ўзларини эркин тасарруф эта оладиган бюджет тизимини шакллантириш;

- Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда жамоат ташкилотларининг рўлини янада кучайтириш;

- Маҳаллий ҳокимиятлар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш тизими ва инфраструктурасини янада ривожлантириш.

Маҳаллий ижро органлари ва жамият ижтимоий ҳамкорлиги давлат бошқаруви тизимида муҳим институт эканлигини инобатга олиб, унинг амалий ва назарий жиҳатларини ўрганиш ҳамда тез суратлар билан ўзгараётган ички ва ташқи омиллардан келиб чиққан ҳолда уни доимий равишда такомиллаштириш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Terry MacDougall. Towards Political inclusiveness: The changing role of local government. World Bank Institute, Washington D.C. 2001, p-1.
2. Local power in the Japanese state, by Muramatsu Michio, 1997, University of California press.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартдаги “Ҳудудий давлат ҳокимияти органлари бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 149-сонли қарори
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари - <https://www.gov.uz/uz/organizations/kind/local>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 102-моддаси <http://lex.uz>
6. Х.Т.Одилқориев, Давлат ва ҳуқуқ назарияси Т-2009 б-153
7. Ўша асар, б-158
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддаси <http://lex.uz>
9. Юклатилган вазифалар – марказий ҳокимият ўзининг муайян вазифаларини жойларда бажаришлари учун маҳаллий ҳокимиятларга юклаталадиган вазифалар ҳисобланади.
10. K.Yokomichi. Movement in Decentralization in Japan after the First Decentralization Reform. Up-to-date Documents on Local Autonomy in Japan. No.8, GRIPS, 2011, p-2.
11. Local Public Finance in Japan, Local Governance (Policy making and civil society) 2007.
12. <http://www.chihousai.or.jp/english/03/public09.html>